

ТОШКЕНТ ҲАҶИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати ни теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва ҳақон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлиши Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда "Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистониим!" деган эзгу гоёни ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин: мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлгимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аجدларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг акс эттириш;

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ноқир иқтисодиётдан, "шок терапияси" каби номатқул моделлардан бутунлай воз кечиб, машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш;

яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суруятлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортдош ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган,

куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини кўрсатиш;

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолиимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефтьгаз машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинганини аниқлаш ёритиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожини кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер ҳўжалиқларимиз нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сўт ва сўт маҳсулотлари — 1,6 қарра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 қарра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш;

мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялли ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва бошқа мисоллар орқали юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф — мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини намоён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялли ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

АГРАРНИНГ БУНЁДКОРЧИЛАРИ ФАОЛ

Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида пухта билим олиши, спорт билан мунтазам шугулланиб, саноатлигини мустаҳкамлаши, марокли ҳордик чиқариши ҳамда ўз кучи, билими ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилган.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилаётган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент Давлат аграр университети бошланғич таълимоти қатор вазирилик ва тегишли таъхилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати қурилиш-таъмирлаш ишларига муносиб ҳисса қўймоқда. Хусусан, 140 талабадан иборат "Бунёдкор" жамоаси университетнинг 13 ва 15-талабалар ту-

раржойини таъмирлашда фаол иштирок этмоқда.

— Талабалар таълими мазмунли ва фойдали ўтказиш, юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишларида қатнашиш баробарида, мутахассислиги бўйича маълум амалиётини ўташ ҳамда тажриба орттириш имконига эга бўлмоқда, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракати вилоят кенгаши мутахассиси Ғулом Шамсиев. — Улар учун мунтазам маданий-маърифий тадбир, давра суҳбати, учрашув, мулоқотлар ташкил этиб, фаолларни рағбатлантираёلمиз.

Дарҳақиқат, мазкур меҳнат гуруҳлари учун объектларни танлашда ҳавфсизлик даражаси, соғлиғига салбий таъсир

кўрсатмаслиги, бажарилаётган иш ҳажми ва қўламини қараб маош, шунингдек, тураржой, иссиқ овқат ҳамда иш туридан келиб чиқиб махсус кийимлар билан таъминлаш чоралари кўрилган.

— Иш ва шароитлар менга жуда маъқул келди, — дейди Сарвар Хайридинов. — Бу ерда нафақат қўшимча даромад ва

тажриба, балки дўстлар ҳам орттирдим.

Сарвар каби қўнгилли ёшларга бу ерда "Санги-Сафи" хусусий қурилиш корхонасининг моҳир ва тажрибали ишчилари яқиндан ёрдам бермоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Халқимиз қисқа фурсатларда даврнинг мураккаб синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўз олий мақсадлари сари дадил интиломоқда. Бунда инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралмоқда.

Конституцияимизнинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб белгиланган. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш мамлакат ижтимоий ривожланиши ва давлат қурилиши, шунингдек, ички ва ташқи сиёсатининг энг асосий йўналиши этиб

белгиланган. Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш бешта устувор йўналишда амалга оширилмоқда.

Биринчидан, мустаҳкам қонунчилик тизими барпо этилди. Фуқароларнинг шайсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича 100 дан ортиқ қонун ва кодекслар қабул қилинди. Ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш мақсадида "Бола ҳуқуқларининг қаролатари тўғрисида", "Одам савдосига қарши

курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қаролатари тўғрисида", "Ҳайрия тўғрисида", "Йод етишимаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида" қонун қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, Оила кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Иккинчидан, институционал асосларни яратиш ва такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Орамиздаги одамлар

ДЕҲҚОННИНГ БИР КУНИ

Фозил ака даласига етиб борганида тонг қоронғуси эди. Машинадан тушиб, атрофга қаради. Пахтазорининг у ер бу ерда ёқиб ўчирилаётган фанар ёруғини кўрди. "Сувчилар гўзани сугоришяпти. Туни билан ухлашмаган. Очқикандир".

"Топил қизи Тўймажон" фермер ҳўжалигининг раиси Фозил ака Рихсибев шуларни ҳаёлидан ўтказди-ю, машинадан егуликларни олиб, шийпонга ўтди. Дастурхон тузади. Бирор соатдан кейин кетмони елкалаб мириблар келди. Нонуштадан сўнг улардан бири фермерга маслаҳат солди: — Ғўза деярли сув ичиб бўлди. Ғалладан бўшаган ерга экилган картошка чанқабди. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Нафас олсангиз ичингизга олов киргандай туюладиган шундай жазирмада ерни тез-тез намлаб турмасак, бўлмайди. Сувни картошкага бураверайликми?

Салкам 80 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари баравж ривожланаётганидан кўнгли тўлиб, қуюқ пахтазорга термиллиб ўтирган Фозил ака пинагини ҳам бузмай шундай деди: — Бир кун минг кун бўлмайди. Аввал пахта қонсин!

Фозил ака ишчиларига ғўза парваришида илгор тажрибаларни қўллаш, ҳар бир агро-техник тадбирни ўз вақтида, сифатли бажариш мўл ҳисил тўплашда асосий омиллардан экани, айниқса, ҳосилга ҳосил қўшилидиган шу кунларда экинни алоҳида эътибор ва масъулият билан сугориш лозимлигини яна бир бор эслатди.

— Бу йилги қўлдам анча салқин келиб, экин ривожини сустлаштирди, — деди фермер уфқда туташиб кетган пахтазорга ишо-

ра қилиб. — Бироқ, тажриба ўзини оқлади. Зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида, оби-то-бида бажарганимиз қўл келди. Эндиги вазифа кун сайин йириклашиб бораётган қўсақ ва янги ҳосил тугунларини тўла сақлаб қолишдан иборат. Чунки саратон ва сунбула орасидаги асад ойида ғўза шонаси гулга, гул қўсаққа, қўсақ эса тўлишиб, лўппи пахтага айланади. Шундай экан, бор ҳосилни сақлаш ва уни янада кўпайтиришга зўр беришимиз керак. Ғўзани сугориш, қатор ораларига ишлов беришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу жараёнда ягона қанотимиз — техника! Биласиз, носоз агрегатлар билан узоққа бориб бўлмайди. Ариқ ва зовурлар ҳўлатидан ҳабар олинг, унчага трактор паркига бориб келамак.

Муқобил трактор парк билан ҳўжалик орасидаги масофа 30 километр. Ҳарорат 43 даража. Кун тийида кўчада юриб бўлмайди. Машина ҳориб-чарчайди, суви қайнайди. Лекин бу фермернинг шайтини қайтаролмайди. Боиси, пахта кун сана-япти. Ғалла ўриб-янчиб бўлинди. Режа ортгани билан бажарилди. Энди бугўдодан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва кейинги ҳосилга тайёрлаш керак. Пишиб етилган тарвуз, сабзи ҳамда бошқа мавсумий экинларни ўз вақтида йиғиштириб олишни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИДА ОАВ ЎРНИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлини билан ҳамкорликда "ОАВ фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омилли сифатида" мавзусида давра суҳбатини ташкил этди.

Президентимизнинг касб байрами муносабати билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғидеги устувор вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ҳамда ахборот соҳасини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини, журналистларнинг фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий дастурларни амалга оширишда ОАВ фаолиятини ташкил қи-

лишни такомиллаштириш мақсадида ташкил қилинган мулоқотда ФЖШМҚМЙ вилоят ҳудудий бўлини маси, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлини ҳамда босма ва электрон ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатиде оммавий ахборот воситалари фаолиятини яна-

да такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ахборот соҳасининг ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар, ОАВ ва жамоатчилик билан алоқаларни кучайтиришнинг асосий йўналишлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти

устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВ ролини кучайтириш орқали уларнинг шаффоқлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, миллий журналистиканинг халқаро медиа маконда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаши, журналист қад-

рлардан янги, етуқ таҳлилич ва шарҳловчиларни тайёрлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётгани, шунингдек, Ватанимизнинг бебаҳо маънавий бойликлари ҳақида аҳоли, айниқса, ёшларга етказиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ОАВ муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Мулоқот якунида ҳудудий газета ва журналларнинг сифатли тайёрланиши ва аҳолига етказилиши борасида тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ, Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ
ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфра-тузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақиллиқнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетдан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал ҳимоя мустақамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар ишчи олиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортганини маъруза йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ишларимизнинг мантқий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касбхунарларни чуқур эгаллаш, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал

(Давоми. Боши 1-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ
САВОБЛИ ИШ



Президентимиз: "Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юрагини, унинг қувонч ва ташвишларини умр бўйи елкасига кўтариб келган мўтабар бобо-

ларимиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш – дунёдаги энг улуг, энг савобли ишдир", деб кўп бора таъкидлайдилар.

Зеро, кексаларни улуғлаш, уларга ғамхўрлик қилиб, меҳр-саховат кўрсатиш фақат бизнинг миллатимизгагина хос фазилат. Юртимизда анъанага айланиб улгурган ёши улуғларни ардоқлаш, қўнғилларини кўтаришдек хайрли, савобли ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида янада буй кўрсатади. Бунинг йилга бағишлаган Давлат дастури тўғрисидаги Президент қарори қабул қилиниши ва шу асосида бажарилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шуни айтиш керакки, дастур ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда талай ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, вилоятимизда 285 минг 331 нафар кексалар истиқомат қилаётти, уларнинг 341 нафари 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларидир. 5 минг 280 нафари эса меҳнат фронти фахрийлари. Эътиборлиси шуки, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга, ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, Хотина ва қадрлаш кўни муносабати билан 625 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари, 346 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига 700 минг сўмдан бир мартоллик пул муқофотлари берилди. Бундан

ташқари, 483 нафар ёлғиз, ижтимоий ҳимоя муҳтож қарияларнинг уй-жойлари таъмирланди. Кексаларимизга сифатли теббий хизмат кўрсатиш, дам олишлари ва саломатликларини мустақамлашларига кўмаклашш ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Шаҳар ва туманларда "Аср билан юзма-юз", "Кексалар дуосини олайлик", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар хонадонимиз фазли" каби мавзуларда турли тадбирлар уюштирилаётгани, нурунийлар хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олинаётгани эса таҳсинга лойиқ.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Зангиота туманининг "Қирғузлар" маҳалласида тадбир ташкил этилди. У "Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр" шиори остида "Фарзандлик бурчим" мавзуда ўтди. Тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад, узоқ йил ахил-иноқ яшаб, фидокорона меҳнатлари билан мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшган, фарзандлар тарбияси билан ўрнак бўлгусли оилаларнинг тажрибаларини ўрганишдир. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева: "Бугун биз қилаётган ҳар бир ишимизда кўпни кўрган, катта ҳаёт таж-

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган реитингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилати кўмаганида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран оқиб бериш;

Биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омил ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида ургу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳоким-

ликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадний кечалар, маданият тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб бормин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна", Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадий академия ва бошқа таъкилотлар билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ниҳол" муқофоти-га номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда "Энг улуг, энг азиз", "Ватан учун

яшайлик", "Ранглар жилосида – она диёр" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгиланган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қолланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақиллиқнинг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш таъмин этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 17 июль.

Орамиздаги одамлар

Фозил ака умр йўлдоши Санобар опа билан уч ўғил, уч қизни камолга етказди. Жамиятимизда ҳаммасининг ўз ўрни бор. Бир этак наби-ралар эса мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим даргоҳларида тахсил олмақда. Деҳқон атайин вақт топиб, набираларининг таълим-тарбияси билан эринмай, битта-битта қизққади. Ўқишлари, олган баҳолари, кундалик дафтарларини бирма-бир кўздан кечириб, "ота-оналар имзоси" деган жойига ўзи қўл қўяди. Набираларини рағбатлантиришни ҳам унутмайди. Шунданми, Ниёзбош қишлоғида бу хонадонга ҳавас қиладиганлар кўп. Ҳовли катта, чорва ҳам, гул ҳам, боғ ҳам бор. Томорқадан бир мавсумда камиди тўрт марта ҳосил олинади.

Деҳқоннинг бир одати бор: тушликни уйда қиладди. Улардан бунинг сабабини сўрасак, юзига табассум югуриб: "Невараларимни кўрсам, чарчоғим тарқайди. Билимга куч, белимга қувват инди", дейди.

Агар полиз йўл устида бўлса, йўловчи пишмаган тарвузни ҳам ёриб кўради, дейишгани рост. Ҳар ҳолда Фозил ака бу вазиятга қўнмура кўнмура дуч келади. Фермер шундай воқеалардан бирини қўлимсираб эслайди:

Сомонни уловга ортаётган ишчилардан бири Фозил акани имлаб, полизга ишора қиладди. Деҳқон пешона-сидан оқаётган терни чит рўймолга артиб, улар томон ошққади. Тарвузни ёриб, "гўшт" ли жойини иштаха билан паққос тушираётган қизча хавотир аралаш "ада,

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бўка туманида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда суд ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

ЭРКИНЛИК
АСОСИДА

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида суд ҳокимияти ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатадиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган институтга айланиши таъкидланди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

қаранг!", деб далада палаги узилган тарвуз излаётган ўттиз ёшлардаги қизини кўрсатади. Ота Фозил аканинг ёнига боради ва хижо-нарх борасида иккинсининг ўртасида деярли тафовут йўқ экан. "Меҳнатингиз оғир, қизини-ёзини тиним билмай ишлайсиз. Қаранг, бозорларимиз сиз, соҳибкорлар етиштирган сархил мева-

ДЕҲҚОННИНГ
БИР
КУНИ

далакни ўша дўконлар тайёрлайди, деб ўйлайди. Дўстимизга келиш баҳонасида бу маҳсулотлар далада етиштирилишини кўрсатмоқчи эдим", деб вазиятни тушунтиради. Фермер ўзини танитиб, фарқ пишган тарвуздан беш-олтитасини йўловчининг машинасига ортиб беради. Қизчадан отаси пул узади. Фозил ака бироз ранжиб, шундай дейди: "Бобокалонимиз "Бобуно-ма"нинг бир ерида шундай лутф қилган: "Полиз бошида қовун пулга сотилмайдди. Чунки полиз бошига келган одам меҳмон-да!".

– Ўшанда ҳалиги меҳмоннинг юзи бирдан ёришиб кетди, – давом этади фермер. – Ичмиллик суви ишлаб чиқарадиган заводлардан бирида сифат бўйича бош мутахассис экан. У билан шийпонда узоқ гурун қилдик. Айтишча, уларнинг маҳ-

сулотидан бизнинг "маҳсулотимиз" тайёрланиш муддати, экологик ва шифобахш хусусиятлари юқорилиги билан кескин фарқ қиладди. Лекин нарх борасида иккинсининг ўртасида деярли тафовут йўқ экан. "Меҳнатингиз оғир, қизини-ёзини тиним билмай ишлайсиз. Қаранг, бозорларимиз сиз, соҳибкорлар етиштирган сархил мева-

чева, полиз маҳсулотлари билан тўлиб-тошган. Олма, узум, шафтоли, тарвуз, қовун... турли рангларда товланиб кўзимизни қувонтиради, ёқимли ифори иштахмизни қитқилди", деганида кўнглим тоғдек кўтарилди.

Фозил ака ҳосилга ҳосил қўиш ойна ва йигим-терим мавсумида асқотадиган техникаларнинг соэлигидан кўнгли тўлиб, даласига қайтди. Йўл-йўлақай олган икки қўти ёқилгини тракторчига тутқазди. Зум ўтмай галладан бўшаган майдон "ағдарила" бошлади. Фозил ака ишининг ҳолатини кузатиш мақсадида ерни шудгор қиладиган трактор изидан қоқилиб-суқилиб бораётса, туйқос телефони жиринглади. Мамаарайим олибсотар экан.

"Ака, судлик билан икки тонна тарвуз узиб, пойтахтга

жўнатинг! Кечки салқинда тарвузнинг бозори чаққон бўлади".

Олибсотарнинг бу сўзидан фермернинг пешонаси тирришди. "Бу пайтда далага кирса, экиннинг палаги ўлмайди!" "Чилла сақлаш" керак-ку, ахир!"

Фозил аканинг чилла борасидаги фикрини бултур парентлик моҳир фермер Бахир Эргашевдан ҳам эшитгандик. Унинг айтишича, узум етиштиришда "чилла сақлаш"га алоҳида эътибор қаратиш лозим. Саратоннинг авжи "чилла"си, яъни 40 кун мобайнида узум ҳосил тутиб, шира йиғиётган пайтда токни "мутлақо" безовта қилиб бўлмайди. Бу вақтда тоққайчи тутиб, тоқзор оралаш, бачки новдаларни қирқиб, дориллаш ва ҳатто унинг яқинида ортиқча шовқин-сурон кўтариш ҳам мумкин эмас. Акс ҳолда, тоқлар ялпи касалликка чалиниб, ҳосил қўғи ва сифати пасаяди.

Қош қорайди. Йирик сааноат қорхоналари, турли таъкилот ва муассасаларда навбатдаги иш кўни ниҳоясига етди. Барча турдаги транспорт воситалари ўз уйига, оиласи бағрига шошаётган одамлар билан тўлган. Ҳамма ўзи билан ўзи. Фозил ака буюртмани жўна-тди, уйига келди. Яхна кўк чойдан ичиб, бироз тин олди. Кейин ўрнидан туриб яна даласига ошқди. Тош-овулда пахта қон санаяпти. Ниёзбошда эса такрорий экинларни ўз вақтида экиш керак. Табиий ва минерал ўғитларнинг ҳам тағи кўри-ниб қолган.

Демак, иш давом этади!
Бекзод ХИДОЯТОВ,
Ўза муҳбири.

УЛУҒ
НЕЪМАТ

Бекобод шаҳридаги "Металлургия" санаторийсида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган "Мустақиллик улугъ неъмат" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Сихаттоҳда дам олаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, металлургия комбинати ишчи-хизматчилари, ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида саноят, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, маданият ва санъат, кўйинги, барча соҳаларда эришилган саломқоли натижаларга тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, тадбир давомида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан комбинатда амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтди. Айтиш керакки, бу ерда нурунийларнинг саломатликларини тиклаш, уларга манзилли ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу сихаттоҳнинг ўзида бу йил 100 дан ортиқ фахрийларнинг беғул дам олиб, даволанишлари режалаштирилган.

Шу кун тадбир иштирокчилари учун бадий ҳаваскорлик жамоалари ва таниқли санъаткорларнинг концерт дастурлари намойиш этилди.

ДОИМИЙ
ЭЪТИБОРДА

Пискент туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда кўрсатилаётган теббий хизмат сифатини тўдан яхшилаш мақсадида теббик таъминот ва унинг бўлимлари капитал таъмирланиб, энг сўнгги русумдаги таъхис ва даволаш аппаратлари, лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Ҳозир бирлашманинг реанимация, шошилинч ёрдам ҳамда жароҳлиқ бўлимларида 100 нафар беморга замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида сифатли теббий хизмат кўрсатишмоқда, – дейди бирлашма бош шифокори Муҳаббат Қодирова.

Ҳақиқатан ҳам, "Саломатлик – 1" ва "Саломатлик – 2" лойиҳалари асосида замонавий жиҳозланган шифо масканининг диагностика, кундузги стационар, лаборатория хоналарида бирламчи теббий ёрдам учун барча имкониятлар мавжуд. Айтиш керакки, бу ерда меҳнат қилаётган ҳодимлар аҳолига сифатли теббий хизмат кўрсатиш билан бирга касалликлар профилактикаси, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, Кексаларни эъзозлаш йили дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Умида ИСАЕВА.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Омбудсман институтини ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказни қўллаб-қувватлаш, моддий-молиявий ва қадрлар таъминоти ҳамда ресурс салоҳиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоралар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ҳуқуқий асослар яратилиши баробарида унинг амалда таъминланишини қўзғатувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институтини, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, шунин-

гдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлимлар каби миллий институтлар тизими самарали фаолият юритмоқда.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва ахборот-маърифий фаолият тизими яратилмоқда. Бу таълим жараёнининг методологияси ва методикасини тақомиллаштириш ва аҳолининг турли қатламларини, айниқса, аёллар, ёшлар ва болаларни қамраб олиш нуктаи назаридан фаоллаштириш бўйича муҳим чораларни кўрди.

БМТнинг тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, ХМТ, ЕХТ каби ҳамкорлар билан биргаликда соҳага оид 120 дан зиёд халқаро ҳуқуқий ҳуж-жаз тилига таржима қилинди.

Тўртинчидан, БМТнинг Аёлларни қаматишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш мақсадида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, у инсон савдосига қарши курашиш бўйича фаолият олиб бориш шарт бўлган Ички ишлар, Ташқи ишлар, Соғлиқни

Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш ва у учун жазолар тўғрисидаги протокол, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир болалар савдоси, фоҳишабоилиги ва порнографиясига оид қўшимча протокол, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир болаларнинг қуроли можа-роларда иштирок этишига оид қўшимча протокол, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, халқаро меҳнат ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ва болалар меҳнатининг ёш ёмон шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенциялари ратификация қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мустақиллик даврида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсади муваффақият.

Абдулла ТУРСУНОВ,
Жамшид ЖУМАНИЕЗОВ,
вилоят адлия бошқармаси
масъул ҳодимлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

① белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.